

СУХДА ДАВЛАТ ТИЛИ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ ФУТБОЛ МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



21 октябрь мамлакатимиз ҳаётида унуглилар ва тарихий кун саналади. Чунки ушбу сана миллият тарихи китобининг саҳифаларида зарҳал ҳарфлар ила ёзажак. Бугун ўзбек тилининг давлат тили сифатида тан олинишига 30 йил тўлди. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни «Давлат тили ҳақида»ги (1989 йил 21 октябрь) [конуннинг](#) 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарорни имзолади. Ушбу санага бағишлиланган байрамона тадбирлар мамлакатдаги барча шаҳар ва туманларда ўтказилади. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танлови ўтказилади. Мамлакатдаги театрлар ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломалар ҳақидаги спектакллар, бадиий ва хужжатли фильмлар намойиши ташкил этилади.

Сух туманида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар қаторида давлат тили кунига бағишлиб, спорт мусобақларини ўтказилиши ҳам режалаштирилган бўлиб, бугун ушбу мусобақларга туман марказий ўйингоҳида старт берилди. Туман Ёшалр Иттифоқи ташаббуси билан туманда буғундан бошлаб, туман ҳокимининг кубоги учун футбол мусобақалари ўтказилади. Куръа ташлаш маросимида маҳаллалар, туман корхона-ташкилотларидан келган спортчилар қатнашишди ва ушбу тадбирда туман ҳокими бошчилигига бошқа мутасаддий идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Тадбирида сўз олганлар энг аввало, давлат тилининг нуфузи, дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили ҳалқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадрият эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Спортчиларимизнинг ҳалқаро майдонлардаги галабалари, қўлга киритилган галабалар ҳошиясида миллий байроғимизнинг бөшимииз узра ҳилпираши, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг садо бериши ҳар биримизга олам-олам баҳт ва қувонч бағишлийди. Шундай экан, ҳар биримиз доимо шу Ватанинни севиб ардоқлашимиз ва давлат тиилга бўлган меҳр-муҳаббатимизни ўзимизнинг фидокорлигимиз билан исботлашимиз лозим.



Шундай қилиб, қуръа ташлаш маросимида тумандаги корхона-ташкилот ва маҳаллалардан келган 32та жамоа қатнашишди ва жамоалар бугундан бошлаб, алоҳида-алоҳида гурӯҳларга бўлиниб, ўзаро беллашишади. Мусобақалар олимпия шартлари асосида ўтказилиб, финал босқичи ғолибига туман ҳокимининг кубоги ва қиматбаҳо совғалари топширилади.



2019-10-21 17:25:20